ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



◆ Илм-фанимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимларимиздан бири — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сейсмология институти директори Ғани Орифхонович Мавлонов номи бугун республикамиздагина эмас, бутун иттифоқимизда, ҳатто мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳур.

У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, 40 нафардан кўпроқ фан докторлари ва кандидатларининг устозидир.



◆ СССР Олий Советининг депутати Ф. Сефершаев 23 йилдан буён Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келади. Айни кунларда у 45 центнерлик марранн эгаллаш учун қизғин кураш олиб боряпти.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Ф. СЕФЕРШАЕВ.



Область «Бунёдкор» мукофоти лауреати Мурод Исмоилов энг улуғ, мўътабар ва фахрли касб эгаси. У бунёдкор, иншоотлар, бинолар қуради. Областимиз қишлоқларининг кўркига кўрк, деҳқонларнинг фаровонлигини оширишга ҳисса қўшади. У 23-қурилиш трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннасида комплекс ғишт терувчилар бригадасига раҳбарлик қилмоқда.

# ҲАЁТ РАМЗИ

ҲАЛҚИМИЗНИНГ нақадар бой ва зариф тили бор! Ҳаво!.. Бу ҳам оҳанг, овоз, куй, қўшиқ, янгроқ соз!.. Ҳаво, янгроқ ҳаво!.. Ёқимли, зариф ҳаво!.. Баҳор ёмғири осмон ойнасини ювади, осмон деразасини... Ундан эса кўм-кўк ҳаво, беғубор осмон, қуёш нурига чайилган тип-тиниқ, кўм-кўк, ҳарир сингари нафис осмон боқади янги келинлар сингари. Шамол капалак қанотлари билан баҳор нашидаларини олиб ўтади, ҳамма нарсага тегади, тегишади, ҳамма нарса билан ўйнашади, ҳазиллашади, ҳамма нарсани бу табиат тароватн билан муборакбод қилади, саломлашади.

Баҳор рассоми рангин қаламларида май манзарасини чизади:

**Бу не ҳаволаган, най навосимидир,**
**Баҳор ҳавосими, май ҳавосимидир!..**
**Тонгдан қирчинларга қўниб ун**
**тортган, эй,**
**Май навосимидир, ёр овозимидир...**
**Новдаларнинг бағрин тилиб уйғонган,**
**Керишиб уйғонган гўзал нозимидир...**
**Адрларни тутди ажиб лола базми,**
**Май либосими ё май жиҳозимидир...**
**Ер кўксини ёриб чиққан бойчечакнинг**
**Ҳаёт кўмачига иқтибосимидир...**
**Ҳассос ҳисларингга қўймоқда ошиён,**
**Бу ҳам ҳаёт мулкин бир ибосимидир...**
**Бу бир манзарами ёки мунозара,**
**Табиатнинг эрка бир**
**ғаммозимидир...**
**Майнинг тилсимига тонг йўқ,**
**тараф йўқ,**
**Умр боқийлигин бир қиёсимидир...**

**Солланиб-солланиб ёниб келаётир,**
**Гўзал табиатнинг гўзал ёзмидир...**

Бу не, дарҳақиқат, баҳор, меҳнаткаш баҳор ёз олиб келаётирми юртимизга, бир қўлида беғубор субҳ ва бир қўлида тароватли табиатни етаклаб?!

Бу не, меҳнаткаш баҳор далага чиқдими, деҳқон қанотига, дала-туз одатига кўра ҳаёт дарсини бошладими?!

Бу не, гўзал май, дилбар май уни табрикламоқдами, унинг истиқболига байрам қилиб чиқмоқдами, илк ҳаёт рамзини олқишлаб?!

Ҳаёт рамзи!.. Май, ҳақиқатан ҳам ҳаёт рамзи, тинчлик, омонлик рамзи!.. Юртимиз, мана қирқ йилдирким, инсоният тарихида асти бўлмаган шундай узоқ фаровонлик, тинч, осойишта ҳаёт кечиради. Кексаларимиз юртингга кўз тегмасин, деб кўришади ҳаётдоши билан. Ёшлар юртимиз оқсоқоллари омон бўлишсин, деб алқашади, бу кунларни бизга келтирган мўйсафидларга назаран. Урушнинг оти ўчсин, дейди оналаримиз. Фарзандларимиз тотувликда яшасин, ер билан тотувликда, ундан ажралмасин, уни бўстон ва достон қилишдан қўллари бўшамасин, дейди ҳар субҳ, ҳар оқшом! Улар дунёда ҳам шундай бўлсин, тинчлик ва омонлик ёмонликни тиз букдирсин, бу буюк хонадонни — она сайёрамизни саранжом-саришта кўрайлик, дейдилар! Севикли планетамизнинг ҳали ҳам у ер-бу ерида, у қитъа—бу қитъасида тиним билмаётган ёвузларнинг оти ўчсин, дейди келинчаклар севгилилари бағрига бош қўйиб. Дарҳақиқат, бу кунлар машқига, бу кунлар тароватига, баҳор минтақасига ярашмайди уруш гулдираклари! Башар меҳнати фақат тинчликка ярасин, фақат маъмурчиликка ярасин. Уни деб уйғонади, уни деб меҳнат қилади, уни деб илм қилади, уни деб ижод қилади, заҳмат чекади одамзод!

Бундан минг йиллар муқаддам ҳам халқимиз донолари ором ва осойишталик истаганлар, урушни қарғаганлар. Буюк Рабғузий деганлар:

**Кун ҳамалға кирди эрса келди олам**
**наврўзи,**
**Кечти баҳман, замҳарир қиш,**
**қолмади қори, музи.**
**Кун келар минг кўрки ортиб,**
**тирилур ўлмиш жаҳон,**
**Тонг пазирлаб нақши бирла**
**безанур бу ер юзи...**
**Ўрласа йиғлаб булутлар, гул чиқар**
**бўстону боғ,**
**Ёз уза мундоғ ғазални айтса**
**Носир Рабғузи!**

«Кун келар минг кўрки ортиб... безанур бу ер юзи!» Нақадар гўзал, самимий, дилбар ҳаёт таърифи! Фақат ҳаёт гўзаллигинигина ўйлагинг келади, унинг кўркига лат етмасин дейсан, унга маҳлиё яшасам дейсан, уни куйласам, ардоғласам, дейсан... «Бу не ҳаволаган, най навосимидир?..».

Юртимиз шарафли меҳнат тароватн билан маст, ўз халқи бахти-саодатини, ўз халқи истиқболини ўйлаш билан банд. Дастгоҳларимиз башариятни ўйлайди, даламиз башариятни ўйлайди! Меҳнат аҳли партиямиз ва давлатимизнинг ҳаётимизни тағин ҳам фаровон этиш йўлидаги тадбирларини юзага чиқариш тараддудида! Ардоқли ёшларимиз ота-боболарининг анъаналарини давом эттирадилар, янги ер очадилар, янги орзу ва умидлар билан яшайдилар!

Бугун баҳор ва май шавқи бу орзу-умидларга қанот бағишламоқда, ҳар бир кишини илҳом ва жасорат, ғайрат ва қаҳрамонлик отларига ўтқизмоқда. Янги орзу-умидларингиз, ғайрат ва шижоатларингиз йўли муборак бўлсин, азиз дўстларим!

**Туроб ТЎЛА,**
**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.**

СЎЗ — МАЙОЛДИ МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИГА

## МУҲТАШАМ, ЗАМОНАВИЙ

● 11-«ВИСОТСТРОЙ» трести 1984 йил иш якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги бригадамиз азаматлари учун бир дунё қувонч келтирди. Чунки шу трест бунёдкорлари бўлмиш бригадамиз азаматлари ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшаётган осмонўпар биноларни барпо этиб келишяпти. Баландлиги 375 метрли янги телевизион минора, Ҳамид Олимжон номли майдондаги 20 қаватли турар-жой бинолари комплекси шулар жумласидандир.

Айни пайтда коллектив тарзда фойдаланиладиган ҳисоблаш маркази биносини тиклаётганлигимиз билан фахрланамиз. Чунки ҳадемай бу осмонўпар бино ҳам шаҳар марказидаги хашаматли иморатлардан бири бўлиб қолади. Ўз меҳнатинг маҳсулини кўрганингда беихтиёр қалбинг қувончга тўлади. Бригадамиз қурувчилари эса ҳар байрамда, ҳар куни ана шундай кайфиятда бўладилар.

**М. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Ленин ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, комплекс бригада бошлиғи.**

# М А Й !

Яшасин 1 май—меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

**Бугун ер юзининг турли бурчакларидаги меҳнаткашлар 1 Май байрамини зўр шодиёналик билан нишонлайдилар. Бу анъана мана 95 йилдан бери давом этиб келмоқда.**

## ДАСТЛАБКИ МАЁВКАЛАРДАН УМУМХАЛҚ НАМОЙИШЛАРИГА

Илк бор кўпгина мамлакатларнинг ишчилари 1 май намойишига 1890 йилда чиққан эдилар. Бу 1889 йилда II Интернационалнинг Парижда бўлиб ўтган I конгрессида бутун дунё ишчиларини I майни пролетариатнинг халқаро бирдамлик ва кураш куни сифатида нишонлашга даъват этилган резолюция қабул қилинган эди. У 1886 йилда Американинг Чикаго шаҳрида рўй берган фожеа туфайли қабул қилинган.

XIX асрнинг 80-йилларида Америка Қўшма Штатларида 8 соатлик иш жорий этишни қонунлаштиришга қаратилган ишчилар ҳаракати кучайиб кетди. Ишчилар талаб билан оммавий забастовкалар ўтказишарди. 1886 йилнинг 1 майида 350 мингга яқин киши умумий забастовка эълон қилди. Бундай забастовка айниқса Чикагода кенг қулоч ёйди. Бу ерда иш ташлаганлар сони 80 минг кишига етди. 3 майда бўлиб ўтган митинг пайтида полиция тинч ишчиларга қарата ўқ очди. Натижада 6 киши ўлдирилди ва кўплаб ишчилар ярадор бўлди. Келгуси куни Хэймаркет ҳиёбонида бўлиб ўтган митинг пайтида маъмурлар стачка ҳаракати йўлбошчиларини қамоққа олдилар. Улардан 4 киши — Парсон, Фишер, Энгель ва Шпайс қатл этилди. Ана шу фожеа муносабати билан 1 май байрамини бирдамлик куни сифатида нишонлашга қарор қилинган эди.

Россияда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни илк бор 1891 йилда Варшава губерниясидаги Жирардов мануфактурасида ва Лодздаги Познань фабрикасида нишонланди. Ўшанда Лодзь стачкасида 30 мингга яқин меҳнаткаш иштирок этган. Бу иш ташлашга жавобан Донбасс, Урал, Сибирда ҳам май стачкалари бўлиб ўтди. Ўшандан бери Россияда 1 май мунтазам нишонланадиган бўлди.

Туркистон ўлкасидаги биринчи маёвка РСДРП Тошкент группаси томонидан 1904 йилда ташкил этилган эди. 1 май арафасида ҳунар юртида дурадгор бўлиб ишлайдиган социал-демократ Корнюшиннинг уйида ишчилар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тифлисдан сургун қилинган социал-демократ Шавдия нутқ сўзлади.

1 майга ўтар кечаси Тошкент бўйлаб варақалар тарқатилди. Улар деворларга, дарахтларга ҳам ёпиштирилган эди. Эрталабдан бошлаб ишчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўплана бошлашди ва варақалар билан танишишди. Иш тугашига 10 минутча вақт қолганда ишчилар темир йўл устахонаси дарвозаси олдида тўпланиб, шаҳар маркази томон йўл олишди. Шу тариқа Тошкентда ишчиларнинг дастлабки сиёсий намойиши бўлиб ўтди.

1905 йилнинг 1 майида эса РСДРП Тошкент группаси чор амалдори Тезиковнинг дала ҳовлиси (ҳозирги Тошкент темир йўл транспорти институти) атрофида, Бўзсув соҳилида ва Сапёрлар лагерида маёвкалар уюштирди. 2 майда чиқарилган яширин варақаларда 1 майнинг аҳамияти тушунтирилар ҳамда ишчилар Қизил байроқ остида жипслашиб, революция учун курашга давъат этилган эди. Варақа «Йўқолсин самодержавие! Йўқолсин капитализм!» деган сўзлар билан тугалланган эди. Иккинчи варақада эса ишчилар очиқ қуролли курашга даъват этилган эди.

Ўлкада Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганидан сўнг 1918 йилнинг 1 майи бутун Туркистон меҳнаткашлари томонидан тантанали равишда нишонланди. Ўша куни ҳамма шаҳарлар, қишлоқ ва овулларда кўп кишилик намойишлар, меҳнаткашлар митинглари бўлиб ўтди.

I Майнинг аҳамиятига В. И. Ленин ҳам жуда катта баҳо берган эди. У 1904 йил I май байрамига бағишлаб чиқарилган варақада шундай деб ёзган эди: «Биринчи май куни келяпти, бу кунда барча мамлакатларнинг ишчилари ўзларининг онгли ҳаёт сари уйғонганликларини байрам қиладилар, ҳар қандай зўравонликка ва одамнинг одамга ҳар қандай зулм қилишига қарши курашда, миллионларча меҳнаткашларни очлик, қашшоқлик ва ҳақоратдан озод қилиш учун курашда ўзларининг бирлашганликларини байрам қиладилар».

**Бугун ҳам пойтахтимиз, Тошкент области шаҳар ва қишлоқлари кўчаларини тўлдирадиган ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилари бу байрам кунида партиямиз қарорларини изчил амалга ошириб, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажараётганликларини кенг намойиш этадилар. Бутун ер куррасида ҳам 1 Май меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни сифатида тантанали нишонланади.**

**В. РАЗИНА,**
**М. ТЎЛАГАНОВА,**
**тарих фанлари кандидатлари.**



**◆ «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маркаси билан тайёрланаётган маҳсулотлар шуҳрати тобора ортиб бормоқда. Бунда сифат жонкуярлари бўлмиш бирлашма илғорларининг ҳиссалари айниқса каттадир. Тўқувчи Машкура Қодирова ана шундай ишчилардандир.**

Суратда: М. Қодирова.
М. Нуриддинов фотоси.

## ЧОРВОҚДАН ТАРАЛГАН НУР

● КОЛЛЕКТИВИМИЗНИ нурхоналар бунёдкори деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам ўнларча йиллардан бери электр станциялари қурилиши билан шуғулланаяпмиз. Шу давр мобайнида қатор нурхоналарни барпо этиб, фойдаланишга топширдик. Эндиликда улар коммунизм учун хизмат қилмоқда.

Бунёдкорларимиз зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришга одатланишган. Коллективимизда жаҳон меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни — 1 Майни муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа бир зум ҳам тинмади. У меҳнатимиз натижаларининг янада баракали бўлишига олиб келди. Шу йилнинг биринчи кварталида қурилиш-монтаж ишлари планини анча ортиғи билан адо этдик. Қўшимча 175 минг сўмлик иш бажардик. Коллективимизнинг апрель ойидаги меҳнати кўрсаткичлари ҳам яхши бўлди. Бош пудрат бўйича топшириқни анча ортиғи билан адо этдик. Коллективимиз бундан буён ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар.

**Н. РОМАНЕНКО,**
**«ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, область Советининг депутати.**

# ТИНЧЛИК!

Яшасин Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсати—халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, кенг халқаро ҳамкорлик сиёсати!

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

# МАСТУРА

ЯХШИ хабарнинг қаноти бор дейдилар. Унга область мукофоти лауреати унвони берилганлиги тўғрисидаги хабар тезда бутун бирлашмага тарқади. Қутловчиларнинг кети узилмасди. Шу куни мукофот соҳиби ишлайдиган цех гулдасталарга тўлиб кетди. Қадрдон коллективи, дўст-ёронлар ўртасида ўзининг фидокорлиги билан танилган бу аёлнинг мукофотга сазовор бўлиши барчани қувонтирарди.

— Кўпчиликнинг дилидаги номзодни топишибди-да! — дерди бу воқеадан хабар топган ҳар бир ишчи. — Бригадиримиз кишиларга доим самимий муносабатда бўладилар. Ҳеч қачон бировга қўполлик қилганларини, асабийлашиб, овозларини баландлатганларини эслолмаймиз...

Дарҳақиқат, ким билан учрашманг — ҳоҳ у раҳбар ёки оддий ишчи бўлсин — Мастура Мираҳмедова ҳақида тўлқинланиб сўзларди...

— Инсонпарвар, меҳнатсевар, сўзи ширин, қалби пок Мастура Тошкент сут саноати бирлашмасига ишга келганига ҳам мана чорак аср бўлиб қолди,—дейди унинг ҳамкасби Ольга Якуненко. — Мастура билан деярли бир пайтда ишга келганмиз. Ўшанда пишлоқ тайёрлайдиган кичкинагина цехда ишлардик. Серҳаракат, эпчил бу қиз барчага ёқиб қолганди. Ўшандан буён унинг номи эл оғзида...

Дастлабки иш кунини М. Мираҳмедова шундай эслайди:

— Смена мастери барча иш жараёнлари билан таништириб чиқди. Мен бажаришим керак бўлган ишларни кўрсатди. Эртасига ҳаммадан барвақт ишга етиб келдим. Цехда ҳамма менга ҳайратланиб қарарди. АвваЛига ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин олдимга бир ишчи келиб, «Бу ерда нима қилиб юрибсан?» — деб қолди. Мен ҳам дадил:

— Шу ерда ишлайман, — дедим.

Улар кула-кула мени цехдан чиқариб юбормоқчи бўлишгандан сўнг кўзимга ёш олиб: «ахир мени кеча Евгения Васильевна шу ерда ишлайсан, деб айтганлар» деганимни биламан, ҳамма баттарроқ ҳаҳолаб кулиб юборди. Кейин билсам бу бошқа смена экан. Смена мастери Илья Семаков менга тушунтириб эртасига ишга келишимни айтди. Ҳалиҳали Илья билан учрашиб қолсак, ўша воқеаларни эслаб турамиз.

Магазин пештахталаридаги серёғ, еганда мазаси оғизда қоладиган, кишилар севиб тановвул қилишадиган қаймоқларни эл дастурхонига тортиқ қилишда Мастура Мираҳмедова бошлиқ бригада аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар ҳар куни 8—8,5 тонна атрофида қаймоқ ишлаб чиқаришади. Ишчиларнинг иш вақти тугагач бригадир билан мастер цехда қолиб, келгуси сменада қаймоқ ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрадилар.

Ёшларнинг меҳрибон устози шу кунгача 24 нафар шогирд тайёрлади. Улардан Ирина Мельчикова мастер бўлиб етишди, 10 нафари—бригадир бўлиб ишлаяпти.



Меҳнат Қизил Байроқ, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери, меҳрибон мураббий Мастура опа эса ҳамон улардан маслаҳатини, ёрдамини аямайди, аксинча, область «Лаззат» мукофотига сазовор қилган бой тажрибасини шогирдларига ўргатишга янада иштиёқ билан киришади.

**А. ҒУЛОМОВ.**

# Обод, файзли

**ҚИШЛОҚНИ янги ном билан Ўзбекистон деб аташяпти. Бунинг рамзий маъноси ҳам бор. Соясалқин кўчаларини, сердарахт файзли хонадонларини, кенг, сокин боғ ва хиёбонларини серқуёш республикамизнинг гўзал табиатига қиёс қилишади. Территорияси кенг, аҳолиси гавжум. 1900 хонадонда 10 минг 680 киши истиқомат қилади.**

Областимиздаги энг йирик чорвачилик хўжалиги — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми шу қишлоқда жойлашган. Бу коллективнинг ютуқлари ҳаммага маълум. 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари планни ошириб бажаришдан ташқари, объектларни сифатли қилиб қуришга одатланишган. Қишлоқ территориясида шифохона, 3 та фельдшер-акушерлик пункти, 5 та мактаб, 4 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Маданий-маиший ва савдо тармоқлари ҳам яхши ривожланган. Қишлоқ аҳли 3 та маданият клубига эга, 2 та ҳаммом бор. Ўнга яқин саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари аҳолига қулай пайтда савдо хизмати кўрсатади. Район маиший хизмат уйи филиали кўрсатаётган хизмат турларидан аҳоли мамнун.

Қишлоқнинг келажаги хусусида истаган киши билан суҳбатлашиб, аниқ маълумотлар олиш мумкин. Чунки ҳамма ўзгаришлар бевосита қишлоқ аҳли кўз ўнгида юз бермоқда. Қуриш, яратиш ишлари келажакни ўйлаб режали олиб бориляпти. Бу масъулиятли вазифани янги тузилган маҳаллий ҳокимият — халқ депутатлари Ўзбекистон қишлоқ Совети муваффақиятли уддалаяпти.

Қишлоқ Совети асосий эътиборни аҳолига шинам, қулай уйлар қуриб беришга қаратмоқда. Бир хилдаги типовой уйларни қуриш маҳаллий имкониятдан келиб чиққан ҳолда икки йўналишда олиб бориляпти. Аҳолининг хоҳиш-истаги билан ҳозиргача 20 та кооператив уй қурилди. Иккинчидан, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ҳам ўз маблағидан ишчи-хизматчиларга 20 тадан кўп уй қуриб берди. Ҳозир бу уйларнинг ҳар бирида иккитадан оила яшамоқда.

Томчи сувдек бир-бирига ўхшаш, бир сафга тизилган бу уйларда ҳамма қулайликлар бор. Уйлар ҳар бир оилага ҳовли саҳни, томорқа экинлари ва шахсий чорва хўжалиги учун 6 сотих ери билан қурилганидан аҳоли жуда хурсанд. Хонадонларга қуриш пайтида экилган мевали ва манзарали дарахтлар ҳозир бу маҳаллани кўк либосга буркаган. Қайси хонадонга кирманг узум ишкомларига кўзингиз тушади. Томорқа ерларида эса сабзавот экинлари ва турли резаворлар яшнаб турибди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзларига мос бундай уйлардан йилига икки-учтаси қуриб битказилиб, янги оилалар кўчиб кирмоқда. Бу йил эса синов тариқасида кўп қаватли 16 квартирали уй-қуришга киришилди. Агар бундай уйлар қишлоқ аҳлига маъқул тушиб, синовдан муваффақиятли ўтса, келажакда кўп хонали шундай уйлардан янги кварталлар барпо этилиши мумкин.

Янги қишлоқ Советига бу йилги сайловда 60 нафар депутат сайланди. Ҳозир улар турли тармоқлар бўйича тузилган 7 та доимий комиссияга бирлашиб, ўз соҳалари бўйича қизғин иш бошлаб юборишган. Депутатликка номзодлар билан сайловолди учрашувларида тушган 33 та наказ улар учун бош йўналиш вазифасини ўтаяпти.

Наказлар асосида олиб борилаётган муҳим ишлардан бири қишлоқдаги ҳамма хонадонларни табиий газ билан таъминлашдир. Ҳозиргача 400 хонадонга газ келтирилган бўлса, бу йил камида яна 120 та уй газлаштирилади. Шунингдек, иккита мактаб учун ҳам маблағ ажратилди, 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари 140 ўринли болалар боғчасини шу йил сентябрда тайёр қилишга сўз беришган. Қишлоқдаги «Чорвадор» аҳоли пунктида қурилаётган 12 ўринли фельдшер-акушерлик пункти ҳам шу йилнинг ўзида ишга тушади. Асосий йўллар асфальтланиб, марказий кўчаларга электр чироқлари ўрнатилади.

**ХАЛҚНИНГ талаб-истакларини рўёбга чиқаришда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Ратушняк, Ф. Бекулова, Л. Пугачева каби қишлоқ Совети депутатлари, айниқса, жонбозлик кўрсатишяпти. Улар майолди социалистик мусобақасида ҳам пешқадамлик қилдилар. Масалан, П. Ратушняк бошлиқ бригада сут соғувчилари 1-Май байрами арафасида давлатга 160 тонна сут топшириб, сўзларининг устидан чиқишди. Ф. Бекулова билан Л. Пугачева ҳам боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан тўрт ойда 1800 килограммдан сут соғиб олиб, байрамга муносиб совға тайёрладилар.**

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**



